

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.22.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АТАЖАНОВА ДИНАРА САЛИМЖАНОВНА

**АЁЛЛАР ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН
МАШҒУЛ ШАХСЛАР МЕҲНАТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА
СОЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

12.00.05 – Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи

**юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Атажанова Динара Салимжановна

Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари.....3

Атажанова Динара Салимжановна

Особенности правового регулирования труда женщин и лиц, занятых исполнением семейных обязанностей23

Atajanova Dinara Salimjanovna

Features of legal regulation of work of the women and persons engaged in family responsibilities.....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Үн.22.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АТАЖАНОВА ДИНАРА САЛИМЖАНОВНА

**АЁЛЛАР ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН
МАШҒУЛ ШАХСЛАР МЕҲНАТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА
СОЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

12.00.05 – Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи

**юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Үу197 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Усманова Муборак Акмалджановна
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Раҳманкулова Нилуфар Ходжи-Акбаровна
юридик фанлар доктори

Расулов Зокир Сайфиевич
юридик фанлар номзоди

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
қошидаги Юристлар малакасини ошириш
маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Үу.22.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил 16 ноябрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz.)

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (851-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар А.Темур кўчаси, 13. Тел.: ((99871) 233-66-36.)

Диссертация автореферати 2018 йил 1 ноябрь куни тарқатилди.

(2018 йил 1 ноябрдаги 1-рақамли реестр баённомаси).

Н.С.Салаев

Илмий даражалар берувчи бир
марталик илмий кенгаш раиси, юридик
фанлар доктори, доцент

Б.Т.Мусаев

Илмий даражалар берувчи бир
марталик илмий кенгаш котиби, юридик
фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ж.Т.Холмўминов

Илмий даражалар берувчи бир
марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, юридик фанлар доктори, профессор

К И Р И Ш (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда меҳнатга лаёқатли ёш (25-54)даги аёлларнинг 63, эркекларнинг 94 фоизи меҳнат бозорида ишчи кучи сифатида иштирок этади¹. Аёлларнинг аксарияти ўзларининг репродуктив хусусиятлари ва бола парвариши билан боғлиқ мажбуриятларнинг анъанавий тақсимланганлиги сабабли меҳнат бозорида эркеклар билан тенг рақобатлаша олмайдилар. Технологиялар ривожланган XXI асрда миллионлаб аёллар ҳалигача оилавий вазифалари туфайли ўзларининг меҳнат имкониятларидан тўлақонли фойдалана олмайганликлари натижасида меҳнат соҳасида камситишга дуч келмоқдалар. Мазкур нохуш ҳолатлар аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш масаласини қайта кўриб чиқиш заруратини кўрсатади.

Жаҳонда аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш хусусиятларини ўрганиш илмий тадқиқотларнинг йўналишларидан биридир. Жумладан, мазкур тоифа шахслар ҳуқуқларининг таъминланишида келгусида уларга «зарар келтирмайдиган» қўшимча кафолатлар яратиш ҳамда асосланган чекловлар ўрнатиш, кафолатлар ва чекловларнинг мувозанатини таъминлаган ҳолда қонунчиликдаги нормаларни қайта кўриб чиқиш, меҳнат соҳасида уларга нисбатан йўл қўйилиши мумкин бўлган камситишларнинг олдини олишга оид ҳуқуқий механизмни ишлаб чиқиш, мазкур тоифа шахсларга оид халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементацияси билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий тартибга солишни тадқиқ қилиш долзарб аҳамиятга эга.

Республикада аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, уларга адолатли меҳнат шaroитларини яратишга алоҳида эътибор берилиб, қатор мақсадли чоратadbирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ушбу соҳадаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилиш, аёллар ҳуқуқларини манзилли ҳимоя қилишга доир қисқа ва узоқ муддатли концепцияларни ҳаётга жорий қилиш бўйича кенг кўламли тизимли ишлар амалга оширилмоқда. «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-хунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш»² мамлакат ижтимоий ҳаётини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (1995), «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги (Янги таҳрири) (1998), «Меҳнатни муҳофаза

¹ Turning promises into action: Gender equality in the 2030 Agenda for sustainable development// <http://www.unwomen.org/-/media/headquarters/attachments/sections/library/publications/2018/sdg-report-fact-sheet-europe-and-northern-america-en.pdf?la=en&vs=3554>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

қилиш тўғрисида»ги (Янги таҳрири) (2016) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017), «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018) фармонларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот иши аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнат ҳуқуқларига тааллуқли Ўзбекистон Республикасидаги биринчи комплекс илмий тадқиқот иши ҳисобланади. Мазкур мавзунинг у ёки бу жиҳатлари айрим ҳуқуқшунос олимларнинг илмий асарлари ва ўқув адабиётларида ёритилган. Хусусан, А.А.Иноятов, М.А.Усманова, М.Ю.Гасанов, Ю.Турсунов, Г.Д.Саттарова, Ш.А.Исмоилов, З.С.Расулов, М.А.Раҳимовларнинг илмий ишларида аёллар меҳнат ҳуқуқлари борасида фикрлар билдирилган.

Бошқа ҳуқуқ соҳаларида ҳам аёллар ҳуқуқларига тегишли жиҳатлар тадқиқ этилган. Хусусан, Г.С.Маткаримова халқаро ва миллий ҳуқуқда аёлларнинг гендер ва репродуктив ҳуқуқларини, Н.Ж.Юсупова эса исломда аёл ҳуқуқларини, Ш.Ҳ.Ҳамраева аёллар траффи (пуллаш)ни бартараф этишнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганган.

Чет эл олимларидан N.F.Abdulatif (Австралия), M.Alhmoudi (БАА), L.M.Hernandez (Буюк Британия), N.Le Feuvre (Швейцария), J.Fudge (Канада), J.Conaghan (Буюк Британия), D.Carrion (Канада), G.James (Буюк Британия) аёллар ва оилавий вазифалар билан машғул шахслар меҳнатининг ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этишган.

МДҲ мамлакатлари олимларидан Н.Л.Лютов, Е.С.Герасимова, Е.В.Красноярова, И.А.Автушқолар меҳнат муносабатларида камситиш доирасида аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар доирасига тўхталиб ўтган бўлсалар, Н.П.Слугина, Т.М.Москвичева, А.О.Харитоновна, Т.Л.Адриановская, А.В.Миронова, Ф.О.Дзгоевалар бевосита мазкур мавзуда тадқиқот ишини олиб борганлар¹.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Меҳнат қонунчилигини ривожлантириш истиқболларини белгилаш ва меҳнат бозорини ҳуқуқий тартибга солишнинг илмий-назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ этиш» (2017–2021), «Ривожланган давлатлар қонунчилик амалиёти ва халқаро меҳнат ҳуқуқи

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

ютукларини назарий тадқиқ этиш асосида олинган натижаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалаларини тадқиқ этиш» (2017–2021) устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишда бирлик ва дифференциация принципининг моҳиятини очиқ бериш;

мазкур тоифа шахслар меҳнати режимининг қонунчиликда белгиланган хусусиятлари асослилиги ва самарадорлигини баҳолаш;

хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, аввало, Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш асосида мазкур тадқиқот субъектлари меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг эволюцияси асосий тенденцияларини аниқлаш;

қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги гендер ассимметриясига тегишли объектив ва субъектив омилларни аниқлаш ва шу асосда меҳнат соҳасида жинсига кўра камситишни тақиқлаш тўғрисидаги миллий қонунчилик нормаларини халқаро стандартлар билан мувофиқлаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш;

тадқиқот соҳасидаги тақдим этиладиган имтиёз ва кафолатлар; ўрнатилган тақиқ ва чекловларнинг асослилиги ва самарадорлигининг танқидий таҳлилинини ўтказиш;

мазкур шахслар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг усул ва воситаларини таҳлил қилиш ва улар ҳуқуқий ҳимоясини такомиллаштиришга оид таклифларни шакллантириш.

Тадқиқотнинг объекти аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларнинг меҳнатини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти, юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш уларни камситиш сифатида баҳоланилиши асосланган;

аёллар меҳнати тўлиқ ёки қисман қўлланилиши тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхатидан 14 ўриндиқдан ортиқ бўлган

автобусларни, юк кўтариш ҳажми 2.5 тдан ортиқ бўлган автомобилларни бошқаришни чиқариб ташлаш таклифи асослантирилган;

Халқаро меҳнат ташкилотининг аёллар ва оилавий вазифалар билан машғул шахслар меҳнатини тартибга солишга қаратилган «Касаначилик тўғрисида»ги 175-сонли, «Оилавий мажбуриятлари бор ходимлар тўғрисида»ги 156-сонли, ««Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 1952 йилги конвенцияни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги 183-сонли конвенцияларини миллий қонунчиликка имплементация ва ратификация қилиш лозимлиги асосланган;

аёлларга психолог ва юрист мутахассислардан иборат «Аёллар масалалари бўйича ёрдам» онлайн хизматини жорий этиш зарурлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатини тартибга солишга қаратилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилишга доир таклифлар ишлаб чиқилган;

аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатига тааллуқли масалаларда турдош ҳуқуқ соҳалари қонунчилигига таклифлар асосланган;

меҳнат қонунчилиги нормалари ва бошқа ҳуқуқ соҳалари (оила ҳуқуқи, ижтимоий таъминот ҳуқуқи) ўртасидаги зиддиятларни мувофиқлаштириш бўйича таклифлар асосланган;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнати билан боғлиқ моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурияти асосланган;

аёллар меҳнат ҳуқуқларининг амалда таъминланиши уларнинг репродуктив саломатлигига боғлиқлигидан келиб чиқиб, соғлиқни сақлаш тизимидаги айрим идоравий-меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиб, ўзгартишлар киритиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

биринчи марта қондош (суррогат) онанинг меҳнат қонунчилигидаги мақоми ҳақидаги таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг ижтимоий сўров ўтказиш шаклига асосланганлиги, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида олинган хулоса ва таклифлар янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жамоа шартномалари ва келишувлари ишлаб чиқишда, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул бўлган ходимлар меҳнатига оид амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришда ҳисобга олиниши мумкин. Диссертацияда баён қилинган материаллардан меҳнат ҳуқуқи ва бошқа махсус модулларни ўқитишда, ўрганилган мавзуга оид илмий-тадқиқот фаолиятини олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсияларнинг аҳамияти қонун ижодкорлиги, айрим тоифадаги ходимлар тоифаси ҳисобланган аёллар ва оилавий вазифалар билан машғул шахслар меҳнат фаолиятини яхшилашда, юридик таълим муассасаларининг ўқув жараёнида қўлланилишида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мажбурий меҳнатнинг тақиқланишига оид алоҳида янги қонун ости ҳужжатини қабул қилиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги «Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 349-сон қарори 1-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳуқуқий экспертиза, халқаро шартномалар ва ташқи алоқаларни ривожлантириш бошқармасининг 2018 йил 3 июлдаги 1-12/373-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилинганлиги натижасида лавозим контингентининг аксарият қисмини аёллар ташкил этувчи ўқитувчи ва шифокорларнинг оммавий тадбирлар олдида турли ободонлаштириш, тозалаш ишларига жалб этилишига чек қўйилган;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 225-моддаси 3-қисмида назарда тутилган аёллар меҳнатини қўлланиш тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай ишларнинг рўйхати ҳамда улар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган юк нормаларининг чегарасини қайта кўриб чиқиш ва унга ўзгартишлар киритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги «2018-2020 йилларда Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 407-сон қарори 3-илова 1-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳуқуқий экспертиза, халқаро шартномалар ва ташқи алоқаларни ривожлантириш бошқармасининг 2018 йил 3 июлдаги 1-12/373-сон маълумотномаси). Бу таклифнинг қабул қилиниши натижасида меҳнат муҳофазаси шароитлари яратилгани ҳолда аёлларнинг меҳнат қилиш турларини танлаш эркинлиги ошган;

Ўзбекистон Республикаси томонидан Халқаро меҳнат ташкилотининг аёллар ва оилавий вазифалар билан машғул шахслар меҳнатини тартибга солишга қаратилган «Касаначилик тўғрисида»ги 175-сонли, «Оилавий мажбуриятлари бор ходимлар тўғрисида»ги 156-сонли, ««Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 1952 йилги конвенцияни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги 183-сонли конвенцияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш имкониятларини ўрганиш, яқин келажакда ратификация қилиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги «2018–2020 йилларда Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 407-сон қарори 3-илова 3-бандини

ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Хукуқий экспертиза, халқаро шартномалар ва ташқи алоқаларни ривожлантириш бошқармасининг 2018 йил 3 июлдаги 1-12/373-сон; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг 2018 йил 25 сентябрдаги 623-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши миллий меҳнат стандартларининг халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мувофиқлаштиришга эришган;

психолог ва юрист мутахассислардан иборат «Аёллар масалалари бўйича ёрдам» онлайн хизматини жорий этиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги «Қизлар ва фертил ёшидаги аёлларга кўрсатиладиган акушер-гинекологик ва тиббий ёрдам хизматлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 352-сон қарорининг 5-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Хукуқий экспертиза, халқаро шартномалар ва ташқи алоқаларни ривожлантириш бошқармасининг 2018 йил 3 июлдаги 1-12/373-сон маълумотномаси). Мазкур онлайн хизматнинг ишга тушиши аёллар ҳуқуқий саводхонлиги ошишида самара берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 11 та илмий мақола (2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 144 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишни ўзига хослигининг

назарий жиҳатлари» деб номланган биринчи бобида аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул бўлган шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишга оид халқаро стандартларнинг умумий тавсифи, меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишга йўл қўйилмаслиги ҳамда аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул бўлган шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишда дифференциация масаласи, мазкур тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг қонуний ва шартномавий усуллари нисбати таҳлил қилинган.

Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатига оид халқаро стандартлар ҳамда уларнинг ўзаро нисбати таҳлил қилинган. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар БМТ стандартлари, ХМТ конвенциялари ва минтақавий меъёрий ҳужжатларга таснифланган. Муаллиф Халқаро меҳнат ташкилотининг аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатига тааллуқли стандартларини бевосита ва билвоситага ажратган. Диссертант ХМТнинг «1952 йилдаги «Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конвенцияни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги 183-Конвенцияси нормаларини таҳлил қилиб, унинг қаторида «Оилавий мажбуриятлари бор ходимлар тўғрисида»ги 156-сонли, «Тўлиқсиз иш вақти шароитида ишлаш тўғрисида»ги 175-сонли, «Касаначилик тўғрисида»ги 177-сонли, «Уй хизматчилари тўғрисида»ги 189-сонли конвенцияларини Ўзбекистон Республикаси ратификация қилиши зарурлиги ҳақида хулосага келган.

Диссертант аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларнинг меҳнат муносабатларида камситилишига оид ҳолатларни келтириб, тенглик масаласида ҳам тўхталиб ўтган. Меҳнат ва машғулотлар соҳасида аёлларни камситишни моҳиятига кўра: 1) аёл жинсига нисбатан азалдан мавжуд стереотипга кўра; 2) аёлларга қонунчиликда назарда тутилган кафолатларга кўра; 3) репродуктивлик (фертиль ёши) ҳамда ҳомиладорлиги ҳолатига кўра; 4) болали бўлиши ва оилавий вазифалари билан боғлиқ ҳолда; 5) ёши билан боғлиқ ҳолатга кўра ҳамда бошқа жиҳатлар каби турларда таснифлаган. Аёлларнинг оилавий вазифалари билан боғлиқ тарихий ўрни баён этилиб, болалиқдан қизлар профессионал сегрегация таъсирида касб танлаши асослантирилган. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларнинг меҳнат муносабатларида камситилиши барча давлатларда кузатилиши тўғрисида хулосага келинган.

Аёлларнинг камситилишида «mobbing», «bulling» каби психологик омиллар ҳақида тўхталиб, «кадрлар қўнимсизлиги» ҳам меҳнат муносабатларидаги камситишнинг оқибати сифатида баҳоланган. Ишга қабул қилиш тўғрисидаги эълонларда жинсга тааллуқли қонунга зид талабларнинг бўлишига маъмурий жавобгарлик белгилаш лозимлиги ҳақида хулосага келинган. Иш жойидаги жинсий зўравонлик ҳам камситиш дея баҳоланган. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатида дифференциация таҳлил этилиб, айрим тоифадаги ходимлар тоифасини кенгайтириш лозимлиги таклифи асослантирилган. Асосан аёллар меҳнат қиладиган айрим касблар

эгаларининг мажбурий меҳнатга жалб қилиниши камситиш сифатида баҳоланиши изоҳланган.

Муаллиф «Аёлларга ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча кафолатлар» параграфини мос равишда «Аёлларга ва оилавий мажбуриятларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятлари» деб номлашнинг мақсадга мувофиқлигини «кафолат» ва «хусусият» сўзларини таҳлил қилиш орқали асослаган.

Диссертант меҳнат қонунчилигидаги кафолатлар юзасидан аёлларни: а) аёллар; б) хомиладор аёллар; в) икки ёшга тўлмаган фарзанди бор аёллар; г) уч ёшга тўлмаган фарзанди бор аёллар; д) фарзанд тарбияси билан машғул бошқа шахслар; е) бошқа оилавий мажбуриятларни бажараётган шахслар каби таснифлаган. Оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар тўғрисидаги таърифларни келтиришдан олдин «оила», «оилавий вазифа» тушунчалари меҳнат ва оила қонунчилиги нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 10-моддасида назарда тутилган «оилавий мажбуриятлар» рус тилида «семейные обязанности» эканидан келиб чиқиб меҳнат ҳуқуқидаги ўзбек тилидаги «оилавий вазифа» сўзларини мазмуни юзасидан яқинроқ бўлган «оилавий мажбурият» сўзларига алмаштириш ва шу орқали ҳуқуқ соҳаларидаги тушунчаларни бирхиллаштириш масаласи асослантирилган. «Оилавий мажбуриятларни бажариш билан машғул шахслар» тушунчаси бўйича турли олимларнинг версиялари таҳлил қилиниб, *«Оилавий мажбуриятларни бажариш билан машғул шахслар, бу – боланинг биологик онаси ва айни пайтда фарзандликка олувчиси бўлмагани ҳолда унинг тарбияси билан машғул бўлган ёки оиланинг бошқа бетоб аъзосини парвариш қилиши билан боғлиқ ҳолда банд бўлган шахслардир»*, деган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатига тааллуқли қонунчилик нормалари ҳолати қониқарли деб баҳоланишига қарамасдан қонунчиликдаги бўшлиқларни жамоавий-шартномавий тартибга солиш ҳозирги давр шароитига мувофиқлиги асослантирилган. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва Ўзбекистон Савдо-саноат Палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тузиладиган Бош келишувда «аёллар ва ёшларга кафолатлар» сўзлари «аёллар ва оилавий мажбуриятларни бажариш билан машғул шахслар, ёшларга кафолатлар» сўзлари билан алмаштирилиши ҳамда «оилавий мажбуриятларни бажариш билан машғул шахс» тушунчасининг таърифи берилиши зарурияти асослантирилган.

Диссертациянинг **«Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларни ишга жойлаштириш, ишга қабул қилиш ва улар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш муаммолари»** деб номланган иккинчи бобида аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул бўлган шахсларни ишга жойлаштириш, уларни ишга қабул қилиш тартибининг ўзига хослиги ҳамда ушбу тоифадаги ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилишдаги қўшимча кафолатлар таҳлил этилган.

Диссертант аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларнинг ишга жойлаштириш масаласида фикр юритиб, аёлларнинг ўз ихтиёрларига кўра ишламасдан оилавий вазифалари билан машғул бўлишларини табиий воқеълик деб ҳисоблаб, уни салбий ҳолат сифатида баҳоламаслигини асослантирган. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (кейинги ўринларда – МК) 68-моддасидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар тоифасига тўхталиб, меҳнат муносабатларидаги «ёлғиз она (ота)» тушунчасини оила қонунчилигидаги «ёлғиз она» тушунчасидан фарқлаш мақсадида МКнинг қатор моддаларидаги (68, 144, 231) «ёлғиз она (ота)»ни «ёлғиз тарбияловчи она (ота)» тушунчаси билан алмаштириш лозимлигини таҳлил қилган. Шунингдек МК 68-моддада назарда тутилган шахслар минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилаётганда келгусида камситишларнинг олдини олиш ва фуқаро маълумотлари конфиденциаллигини сақлаш мақсадида йўлланмага тоифанинг рақами эмас, махсус код қўйилиши лозимлиги ҳақида хулосага келинган. Аёллар бандлигини таъминлашда хотин-қизлар тadbиркорлигига кенг имкониятлар яратиш масаласи баён этилган. Аёлларни манзилли иш билан таъминлашда қишлоқ аёллари бандлигига алоҳида эътибор бериш, унда касаначиликни ривожлантириш, масофавий ишлар, шунингдек, мавсумий ишлар ва шогирдлик муносабатларига оид нормаларни МКга киритиш таклифи асослантирилган.

Диссертант «яширин бандлик» тушунчасини изоҳлаб, МКда жисмоний шахсларнинг иш берувчи сифатидаги субъектлик мақомининг ҳуқуқий механизмини яратиш лозимлигини таҳлил қилган. Бунда айниқса, уй хизматчиларининг фаолияти меҳнат қонунчилиги билан тегишли нормаларда мустаҳкамланиши бу турдаги касбларда машғул аёл ходимлар, шунингдек, уларнинг асосий «бунортмачиси» ҳисобланган ижтимоий ҳаётдаги фаол иш берувчи-аёллар учун ҳам манфаатли экани асослантирилган. Аёлларнинг фоҳишабозлик ва одам савдоси қурбонлари бўлишининг олдини олиш мақсадида фуқароларни чет элларга юборишнинг тартиб-таомилларини қайта кўриб чиқиш таклифи баён этилган.

Муаллиф меҳнат аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларни ишга қабул қилишда иш берувчи қонунга мувофиқ меҳнат шартномаси тузиши шарт бўлган шахслар тоифасидан (МК 78-модда) ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган фарзанди бор аёлларни алоҳида асосда кўрсатишни таклиф қилиб, асослантирган. Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш шароитлари таъминлангани тақдирда Аёллар меҳнати тўлиқ ёки қисман қўлланилиши тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар Рўйхатини қисқартириш орқали қайта кўриб чиқиш натижасида аёлларнинг меҳнат муносабатларига киришишларида касбларни танлаш спектри кенгайиши баён қилинган. Ишга қабул қилинишда уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлдан кўра ҳомиладор аёллар кўпроқ камситишга учраши мумкинлиги таҳлил қилинган. Меҳнат қонунчилигига мувофиқ равишда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 148-моддасидаги «ёш бола»ни «уч ёшга тўлмаган бола»га алмаштириш тавсия

қилинган. Ишга қабул қилишни рад этиш бўйича хорижий давлатлар қонунчилик амалиёти таҳлил этилиб, ҳомиладор аёлни ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилиш рад этилгани тақдирда иш берувчи рад этишнинг сабабини мурожаатчининг ишга қабул қилиш ҳақидаги аризаси рўйхатга олингандан бошлаб уч иш куни ичида ёзма равишда маълум қилиши шартлиги тўғрисида қонунчилик (МК 224-модда)ка аниқлик киритилиши лозимлиги тақлиф қилинган.

Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар билан меҳнат шартномасини бекор қилишда ҳуқуқни қўллаш жараёнида уларнинг ўзларини ариза ёзишга мажбурлаш ҳолатлари кўплаб кузатилаётганлиги туфайли Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида»ги 12-сонли қарори 15-банд 3-қисмини «Бунда, судлар даъвогарнинг *(айниқса у ҳомиладор, уч ёшга тўлмаган фарзанди бор аёл ёки оилавий мажбуриятни бажариши билан машғул шахс бўлганда)* меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризани иш берувчининг қистови натижасида берганлиги тўғрисидаги важларини синчковлик билан текширмоқлари лозим», деган таҳрирда баён қилиш лозимлиги асослантирилган. МК 103-моддасида технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишлар хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдириш учун бериладиган имтиёзли ҳуқуққа оид бўлиб, бунда малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда афзаллик бериладиган шахслар рўйхатига ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари ва ўн олти ёшгача ногирон болалари бор ёлғиз тарбияловчи она (ота)ни киритиш зарурияти таҳлил қилинган. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар билан муддатли меҳнат шартномаларини бекор қилишда мазкур жараённи тўғри аниқлаш муҳим аҳамият касб этиши таҳлил қилинган. Мазкур тоифа билан меҳнат шартномасини муддати тугаши муносабати билан бекор қилишнинг бир неча вазиятлардаги кўриниши тақлиф этилди.

Диссертациянинг «**Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга меҳнат жараёнида бериладиган ҳуқуқий кафолатлар**» деб номланган учинчи бобида аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул бўлган шахсларни бошқа ишга ўтказишнинг хусусиятлари, иш вақти ва дам олиш вақтини бериш тартиби, ушбу тоифадаги ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик асосларини такомиллаштириш масаласи баён этилган.

МК 96-моддаси 4-қисмига биноан ҳомиладор аёлларни ва икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқариш учун – уларнинг аризаси ва тиббий хулоса асос бўлиши белгиланган. МК 227-моддасида эса тиббий хулоса кўрсатилмаганлиги туфайли моддаларни ўзаро мувофиқлаштириш зарурияти баён этилган. Шунингдек, ҳомиладор аёлга енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳоли бўлган иш бериш масаласи ҳал этилгунга қадар, у ана шу сабабдан ишга чиқмаган барча иш

кунлари учун ўртача ойлик иш ҳақи сақланиши ҳолатида аёлнинг таклиф этилган ишни *асосиз рад этишига йўл қўймаслик* маъносидаги нормани қонунчиликка киритиш таклифи асослантирилди. Муаллиф аёллар ҳомиладорлиги ва икки ёшга тўлмаган фарзанди борлиги туфайли баъзан соғлиғи ҳолатига кўра енгилроқ ишда ишлашга тўғри келишини билдириб, мазкур жараёнда корхона штатларини ўзи белгилайдиган хусусий секторда чекланган штатлар бирлигида бу ҳолат муаммони юзага келтиришини таҳлил қилади. Муаллиф ҳомиладор ва икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга тааллуқли физиологик ўзгаришларни таҳлил қилиш орқали уларга қонунчиликда белгиланган кафолатларнинг адолатли эканини таъкидлайди. Аёллар меҳнат ҳуқуқларининг бузилишига уларнинг ўз ҳуқуқларини билмасликлари ҳам сабаб бўлиши туфайли аёллар ҳуқуқий маданиятини ошириш кераклиги тўғрисида хулосага келинади.

Диссертант МК 116-моддасидаги иш вақтининг қисқартирилган муддати уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга татбиқ этилишини таҳлил қилиб, мазкур кафолатни ҳомиладор аёлларга ҳам бериш лозимлигини асослантирган. Соғлиқни сақлаш тизимидаги идоравий-меъёрий ҳужжатлар ҳамда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг меъёрларида назарда тутилган талабдан келиб чиққани ҳолда ҳомиладор аёлларга ҳар ойлик диспансер кўригидан ўтишлари учун ўртача иш ҳақи сақлангани ҳолда ойига бир кун ишдан озод этишлари лозимлиги тўғрисидаги таклиф (МК 230¹-модда) илгари сурилди. Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга бериладиган болани овқатлантириш учун танаффус (МК 236-модда) келишилган ҳолда ота-оналардан бирига берилиши мумкинлигини белгилаш таъкидланди. Қатор давлатларда болани овқатлантириш учун танаффус бир ярим ёшгача бўлган болаларга тақдим этилгани ҳолда миллий меҳнат қонунчилигининг инсонпарварлиги дея баҳоланди. Ҳозирги кунда ишлайдиган аёлларнинг аксарияти бола парваришlash таътилида фарзанди уч ёшга тўлгунига қадар уйда ўтирмай ишга қайтаётганлари туфайли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 528-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисидаги низомда белгиланган давлат мактабгача таълим муассасасига қабул қилинишдаги 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган ёшни «2» ва «6» га ўзгартириш таклиф қилинди. МК 143-моддасида меҳнат таътиллари ходим ишлаётганига олти ой тўлмасидан бериладиган асослар қаторида аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш таътили олдидан ёки ундан кейин берилиши мумкинлиги белгиланган. МК 231-моддада бу масалада ўзаро зиддиятли жиҳат борлигини назарда тутиб, МК 143 ва 231-моддаларининг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш таклифи қайд этилди. Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномада ҳомиладорлик ва туғиш таътилининг берувчи меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини расмийлаштириш масаласига аниқлик киритишга тааллуқли қўшимчалар киритиш, бунда ҳудудий даволаш профилактика муассасалари шифокорига ишлаётган ҳомиладорга *меҳнатга лаёқатсизлик варақасини очгани тақдирда иш берувчини огоҳлантириши мажбуриятини* юклаш лозимлиги

таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ–2699-сон қароридаги меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақанинг миқдори тўғрисидаги дифференциацияни ишга қабул қилиш давридангина ҳисоблаш таклифи таҳлил қилинди. Шу ўринда мазкур дифференциацияга МК 286-моддаси ва Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 48-бандини мослаштириш тавсия қилинди. Келгусида меҳнат қонунчилигида қондош (суррогат) онага ҳомиладорлик ва туғиш билан боғлиқ кафолатларни белгилаш мақсадида аввало фуқаролик ва оила қонунчилигида суррогатлик муносабатларининг ҳуқуқий механизмини ёритиш таклифи асослантирилиб, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексидаги қондош (суррогат) она ҳақидаги биргина 207-модда суррогатлик муносабатларининг тартибга солиниши учун етарли эмаслиги ҳақида хулосага келинди.

МК 235-моддаси мазмунининг оила қонунчилигидаги фарзандликка олиш тартибига зидлиги ва амалиётда бола асраб олувчиларга ҳомиладорлик ва туғиш таътилини камроқ берилишидан келиб чиқиб, мазкур моддани «Уч ойликкача бўлган янги туғилган болани фарзандликка олган ёки қонунда назарда тутилган ҳолда қондош (суррогат) онадан фарзандни олган ёки болага васий қилиб белгиланган шахсларга бола фарзандликка олинган (васийлик белгиланган) кундан бошлаб эллик олти календарь кун (икки ёки ундан ортиқ бола асраб олинган (васийлик белгиланган) тақдирда эса етмиш календарь кун) муддати билан давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўлаган ҳолда таътил берилади ва уларнинг хоҳишига кўра, бола уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун қўшимча таътиллار берилади», деган кўринишда ифодалаш таклифи таъкидланди. Қишлоқ жойларда ишлаётган аёлларнинг манзилли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида МК 233-моддасига тегишли тартибда қўшимча киритиб, қишлоқ жойларда ишлайдиган аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш таътили тукқунга қадар – 70 кун ва туғруқдан кейин – 70 кун, туғруқ қийин кечгани ёки икки ёхуд ундан ортиқ фарзандлар туғилгани тақдирда – 84 кун сифатида белгиланиши лозимлиги қайд этилди. Бола парваришlash даврида аёлнинг иш жойи сақланиши кафолатлансада, ҳуқуқни қўллаш амалиётида аёлнинг ишга қайтишида иш берувчи томонидан моненьлик ҳолатлари кузатилиши туфайли МК 234-моддаси 5-қисмига уч ёшгача фарзанди бор аёлнинг исталган пайтда ишга моненьликсиз қўйилиши кафолатлангани тўғрисида аниқлик киритилиши лозимлиги асослантирилди. Ҳомиладорликнинг баъзи аёлларда турли касалликлар туфайли қийин кечиши мавжуд ҳодиса эканлигини тан олган ҳолда МК 150 ва 232-моддаларида тиббий хулосага кўра ҳомиладорлиги қийин кечаётган аёлга унинг хоҳишига кўра 30 календарь кунгача иш ҳақи сақланмаган таътил қатъий берилиши нормасини белгилаш лозимлиги зарурияти изоҳланди.

Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатини муҳофаза қилишга оид қонунчилик нормалари ва бошқа давлатлар

тажрибасини таҳлил қилиш асосида ходимлар сонининг кўпчилигини аёллар ташкил этган корхоналар қошида мактабгача таълим муассасаларини очадиган тадбиркорларга солиқ имтиёзлари назарда тутилиши масаласини кўриб чиқиш таклифи илгари сурилди. Аёллар меҳнат ҳуқуқларининг бузилиши улар ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмасликларидан келиб чиқишини назарда тутиб, жойларда ҳуқуқий маслаҳатхоналар очиш таклифи асослантирилди. Манзилли ижтимоий ҳимояни назарда тутган ҳолда қишлоқ ҳудудида ишлаётган аёлларга уларнинг ёзма аризасига мувофиқ ойига бир иш куни миқдорида иш ҳақи сақланмаган ҳолдаги кўшимча дам олиш куни берилиши масаласи қонунчиликда мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқ деб топилди. Шиддатли ўзгаришлар бўлаётган ҳозирги замонда боласи уч ёшга тўлганидан сўнг ишга қайтган аёл бошқа ҳамкасблари билан иш бўйича бир хил кўникмада бўлолмайди. Шуни инобатга олиб, аттестацияга тааллуқли намунавий низомлар ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат (Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом ва б.)ларда боласи уч ёшга тўлган аёллар бола парваришlash таътилидан ишга қайтганда бир йил давомида аттестацияга қўйилмаслиги белгиланиши тўғрисидаги таклифи асослантирилди.

Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларида «якуний ташхис» деган ўринда касалликнинг номи кўрсатилади. Масалан, никоҳи бекор қилинган, бева ёки турмуш қурмаган аёл ходим аборт қилдиргани тақдирда у меҳнатга лаёқатсизлик варақасида мазкур тиббий процедуранинг номи қайд этилишидан кўрқиб, иш ҳақи сақланмагани ҳолда таътил олади ёки бошқа бирор чорани кўради. Беморлар касалликлари тўғрисидаги маълумотларнинг конфиденциаллиги, шифокор сири ва шахсий ҳаёт дахлсизлигидан келиб чиқиб, меҳнатга лаёқатсизлик варақаларида касаллик номи эмас, махсус кодли шифр ёзилиши мақсадга мувофиқлиги бўйича хулосага келинди.

ХУЛОСА

Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган хулосаларга келинди:

1. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишга оид миллий меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш мақсадида ХМТнинг «Оилавий мажбуриятлари бор ходимлар тўғрисида»ги 156-сонли, «Тўлиқсиз иш вақти шароитларидаги иш тўғрисида»ги 175-сонли, «Касаначилик тўғрисида»ги 177-сонли, «Уй хизматчилари тўғрисида»ги 189-сонли, ««Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 1952 йилги конвенцияни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги 183-сонли Конвенцияларни ратификация қилиш лозим.

2. «Оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахс» тушунчасини унинг рус тилидаги аутентик таржимаси ва оила ҳуқуқи соҳасидаги тушунчасига

мос равишда «оилавий мажбуриятларни бажариш билан машғул шахс» тушунчаси билан алмаштирилиши лозимлиги асослангирилиб, «Оилавий мажбуриятларни бажариш билан машғул шахслар, бу – боланинг биологик онаси ва айна пайтда фарзандликка олувчиси бўлмагани ҳолда унинг тарбияси билан машғул бўлган ёки оиланинг бошқа бетоб аъзосини парвариш қилиш билан боғлиқ ҳолда банд бўлган шахслардир» деган таъриф тавсия этилди.

3. Бош келишув, жамоа шартномалари ва бошқа локал актларда «аёлларга кафолатлар» сўзлари «аёллар ва оилавий мажбуриятларни бажариш билан машғул шахслар» сўзлари билан тўлдирилиб, мазкур ҳужжатларга «аёлларга оналик билан боғлиқ бериладиган кафолатлар болани амалда тарбиялаётган оилавий мажбуриятларни бажариш билан машғул бошқа шахсларга ҳам қўлланилади» деган нормани киритиш мақсадга мувофиқлиги асослангилди.

